

## ҚЎЧМАС МУЛК ОБЪЕКТЛАРИНИНГ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Усанбоев Шодиёр Абдухаликович  
Солиқ қўмитаси ҳузуридаги Фискал институт

**Аннотация.** Мақолада рақамли иқтисодиёт шароитида қўчмас мулкни баҳолаш ва бухгалтерия ҳисоби масалалари ёритилган. Қўчмас мулк объектлари бухгалтерия ҳисобини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида такомиллаштиришнинг йўналишлари кўрсатиб берилган.

**Калит сўзлар:** қўчмас мулк, мулкни баҳолаш, электрон ҳукумат, ҳаққоний қиймат, бухгалтерия ҳисоби.

### СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ УЧЕТА ОБЪЕКТОВ НЕДВИЖИМОСТИ

Усанбоев Шодиляр Абдухаликович  
Фискальный институт при Налоговом комитете

**Аннотация.** В статье освещены вопросы оценки и учета недвижимости в условиях цифровой экономики. Обозначены направления совершенствования учета объектов недвижимости на основе международных стандартов финансовой отчетности.

**Ключевые слова:** недвижимость, оценка собственности, электронное правительство, справедливая стоимость, бухгалтерский учет.

### IMPROVEMENT OF ACCOUNTING OF REAL ESTATE OBJECTS

Usanboev Shodiyar Abdughalikovich  
Fiscal institution under the Tax Committee

**Annotation.** The article covers the issues of real estate valuation and accounting in the context of the digital economy. Directions for improving the accounting of real estate objects based on international standards of financial reporting are indicated.

**Keywords:** real estate, property appraisal, e-government, fair value, accounting.

#### Кириш.

Халқаро амалиётда қўчмас мулкни бухгалтерия ҳисобининг обьекти сифатида ҳисобга олишда бир нечта МХХСлардан фойдаланилади, жумладан, МХХС (IAS) 16 – “Асосий воситалар”, МХХС (IAS) 2 – “Товар-моддий захиралар”, МХХС (IAS) 40 – “Инвестициявий қўчмас мулк” ва бошқа стандартлардан. “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига асосан асосий воситаларнинг бошланғич қиймати ҳақиқий харажатлар (МХХС-16 “Асосий воситалар”) ёки қайта баҳоланган қиймат (МХХС-36 “Активларнинг қадрсизланиши”) стандартларидағи нормалар билан аниқланади” (МХХС, 2018). Қўчмас мулкнинг бухгалтерия ҳисобини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларидан фойдаланган ҳолда ташкил этиш молиявий ҳисобни халқаро амалиётга яқинлаштиради.

Ўзбекистонда кўчмас мулкни баҳолаш, бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва амалиётга МХХСларини қўллаш, кўчмас мулк объектларининг бухгалтерия ҳисобини такомиллаштиришни муҳимлигини белгилайди. Кўчмас мулк объектларини баҳолашда бозор қийматига яқин бўлган кадастр қийматини ҳисоблашнинг аниқ методикаси ишлаб чиқилмаганлиги, солиқса тортиладиган кўчмас мулк объектларининг рўйхати тўлиқ шаклланмаганлиги, уларнинг молиявий ҳисобини ташкил этишда МХХСларини амалиётда тўлиқ қўлланилмаётганлиги долзарб масаладир (МХХС, 2024).

### **Адабиётлар шарҳи.**

Кўчмас мулкни бухгалтерия ҳисобининг обьекти сифатида қараш мақсадида, унинг таркибини аниқлаб олишимиз лозим. Ушбу муаммони ўрганишда таҳлил қилинган меъёрий ҳужжатлар ва илмий адабиётларда кўчмас мулк, унинг таркиби, бухгалтерия ҳисобининг обьекти масаларида турли хил фикрлар мавжудлигига гувоҳ бўлдик. Уларнинг баъзиларини кўриб чиқамиз.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг (2020) 411-моддасига асосан кўчмас мулк объектларига қуидагилар кириши кўзда тутилган:

1) кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчи ваколатли органлар томонидан рўйхатга олинадиган бинолар ва иншоотлар;

2) қурилиши тугалланмаган объектлар. Қурилиши тугалланмаган объектларга қурилиш объектига доир лойиҳа-смета ҳужжатларида белгиланган норматив муддатда қурилиши тугалланмаган объектлар, агар қурилишнинг норматив муддати белгиланмаган бўлса, ушбу объектнинг қурилишига ваколатли бўлган органинг рұхсатномаси олинган ойдан эътиборан йигирма тўрт ой ичida қурилиши тугалланмаган объектлар киради;

3) темир йўллар, магистраль қувурлар, алоқа ва электр узатиш линиялари, шунингдек ушбу объектларнинг ажралмас технологик қисми бўлган иншоотлар;

4) қурилиш ташкилотлари ёки иморатларни қурувчилар балансида кўрсатилган турар жой кўчмас мулк объектлари, кўчмас мулк фойдаланишга топширилгандан кейин олти ой ўтгач.

Назаровнинг (2022) фикрича: “Кўчмас мулк-хўжалик юритувчи субъектларда мавжуд мол-мулки ер билан узвий боғланган ва ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланган, ўзининг мақсадли фойдаланиш вазифасига ва аҳамиятига шикаст етказмасдан туриб бошқа жойга кўчиришнинг имкони бўлмаган товарлар, иш ва хизматларни ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва уларни етказиб беришда, лизинг, ижара ва маъмурий мақсадларда узоқ муддат давомида фойдаланиладиган объектлар ҳисобланади” мазмундаги такомиллаштирилган таърифи “кўчмас мулк” тушунчасининг иқтисодий моҳиятини тўлиқ ифодалайди.

Коновалов (2017) кўчмас мулкни баҳолаш умумқабул қилинган учта ёндашувни: харажат, таққослаш (бозор) ва даромад усууларини қайд этган.

Тепман (2016) эса кўчмас мулкни баҳолашда харажат усулини қўллашни эътироф этиб, бу усул ушбу объектни яратишида қилинган харажатларни унинг қиймати билан солиштирган ҳолда баҳолашни мақуллайди. Унинг фикрича харажат усули юридик ва жисмоний шахслар мулкини солиқса тортиш мақсадида фойдаланилади.

Дружиловская (2014) қуидаги фикрларни билдирган: Молиявий ҳисботнинг халқаро стандарти (IFRS) 13-“Ҳаққоний қиймат бўйича баҳолаш”да келтирилган “ҳаққоний қиймат” ва “бозор қиймати” тушунчалар синонимлар эмас.

Лихоманов, Куканова, Кукановаларнинг (2017) фикрича: “Жаҳон амалиётида кўчмас мулк қийматини қайта кўриб чиқиш, ёки қайта баҳолаш муддати қуидагича:

Японияда ҳар 3 йилда кўчмас мулкнинг қиймати қайта кўриб чиқилади;

Испанияда кўчмас мулкнинг кадастр қиймати ҳар 8 йилда қайта баҳоланади;

Францияда кадастр қиймати ўзгармас (кейинги 50 йилда ўзгармасдан қолган);

АҚШда солиққа тортиш мақсадида кўчмас мулкнинг бозор қиймати қайта баҳоланади;

Россия Федерациясида кўчмас мулкнинг кадастр қийматида солиққа тортилади” (Лихоманов ва бошқ. 2017).

Голованинг (2014) фикрича, Россия ҳисоб амалиётида кўчмас мулк асосий воситалар сифатида таснифланади ва 01 “Асосий воситалар” счётида акс эттирилади. Бундан ташқари, кўчмас мулк обьектлари қуидагича таснифланиши ҳам мумкин:

моддий бойликларга даромадли маблағ киритиш сифатида ва 03 счётда ҳисобга олинади;

оборотдан ташқари активларга маблағ киритиш сифатида ва 08 счётда ҳисобга олинади;

товар сифатида ва 41 счётда ҳисобга олинади (Голова, 2014).

Кўчмас мулк бўйича Ташназаров (2019) қуидаги фикрни билдирган: “Мулкдорнинг тасарруфидаги кўчмас мулк бу (мулкдор ёки молиявий ижара бўйича ижарага оловчи тасарруфидаги шлаб чиқариш ёки товарларни жўнатиш, хизмат кўрсатиш ёки маъмурий мақсадларда фойдаланиш учун мўлжалланган кўчмас мулкдир”.

Кюрджиевни (2020) эътироф этишича XX асрнинг 60-йилларида АҚШда амортизациянинг регрессив методлари кенг қўлланилган бўлса, кейинчалик эса қолдиқни камайтириш ва кумулятив методлари кенг тарқалган.

### **Тадқиқот методологияси.**

Ушбу мақолада кўчмас мулкнинг бухгалтерия ҳисобининг обьекти эканлиги, унинг қийматини аниқлаш ва ҳисоби МҲҲСлари асосида такомиллаштириш масалалари илмий жиҳатдан таҳлил қилинган. Кўчмас мулк тушунчасига иқтисодчи олимлар томонидан берилган таърифлар ва меъёрий ҳужжатлардага келтирилган нормалар илмий жиҳатдан ўрганилган. Тадқиқотни амалга оширишда индукция, дедукция, статистик кузатиш, статистик ва солиширига таҳлил усусларидан фойдаланилган.

### **Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.**

Республикамида 2024 йил 1 январь ҳолатига жисмоний ва юридик шахслар эгалигига 8 184 005 та кўчмас мулк обьектлари мавжуд. Шундан:

- якка тартибдаги турар жой обьектлари – 6 миллион 244 минг 155 та;
- кўп қаватли уйлардаги квартиralар – 1 миллион 492 минг 818 та;
- нотурар жой обьектлари – 601 минг 478 тани ташкил этади.

Қайд этилишича, 2023 йилнинг шу даврига нисбатан солишириганда ўсиш динамикаси республика бўйича жами 154 446 та кўчмас мулкни ташкил этади<sup>209</sup>. Шунча миқдордаги кўчмас мулк обьектларининг бошланғич қийматини тўғри аниқлаш бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортиш мақсади учун муҳим ҳисобланади.

Асосий воситаларнинг корхона балансига олишнинг асосий манбаси бўлиб, қурилиши битказилган обьектнинг қиймати ҳисобланади. Қуриб битказилган обьектнинг бошланғич қиймати уни қуриб битказишга сарфланган ҳақиқий харажатлар суммасига teng. Қурилиш даврида обьект қурилишига йўналтирилаётган барча харажатлар, шу жумладан, қурилиш материалларининг нархи ҳам, 0810-“Тугалланмаган қурилиш” счётининг дебетида йиғиб борилади.

Бино фойдаланишга топширилганида:

Дт 0120 - “Бинолар, иншоотлар ва узатувчи мосламалар” счёти;

Кт 0810 - “Тугалланмаган қурилиш” счёtlари боғлиқлигидаги бухгалтерия ёзувлари билан асосий восита кирим қилинади.

<sup>209</sup> Ўзбекистонликларда қанча кўчмас мулк обьектлари борлиги очиқланди. <https://daryo.uz/k/2024/01/09/ozbekistonliklarda-qancha-kochmas-mulk-obektlari-borligi-ochiqlandi.18.01.2024>.

Асосий воситаларнинг бухгалтерия ҳисобида акс эттиришда импорт қилинган асосий воситаларни бошланғич қийматини аниқлашда ва ҳисобга олишда муаммолар мавжуд. Импорт қилинган ускунанинг харид қиймати (инвойсда ёки божхона юк декларациясида кўрсатилган қиймати) бухгалтерия балансида уни балансга олиш санасидаги Марказий банк курси бўйича миллий валютада акс эттирилади. Асосий восита сифатида 0820-“Асосий воситаларни харид қилиш” счётнинг дебетида кирим қилинаётган техниканинг бошланғич қийматига қуидагилар киритилади:

1. Сотиб олинган асосий воситанинг шартнома қиймати \$10600 балансга олиш санасидаги марказий банк курси бўйича сўмда:

Дт - 0820 -“Асосий воситаларни харид қилиш” счёти-10600\$;

Кт - 6010 -“Мол етказиб берувчилар ва пурратчиларга тўланадиган счёtlar” счёти-10600\$.

2. Божхона йифими суммасига 757 323,69 сўм:

Дт - 0820 -“Асосий воситаларни харид қилиш” счёти-757 323,69 сўм;

Кт - 6990 -“Бошқа мажбуриятлар” счёти -757 323,69 сўм.

3.Божхона божи суммасига 37 866 184,5 сўм:

Дт - 0820 -“Асосий воситаларни харид қилиш” счёти-37 866 184,5 сўм;

Кт - 6990 -“Бошқа мажбуриятлар” счёти - 37 866 184,5 сўм.

4. Кўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) суммасига 83 305 605,9 сўм:

Дт -0820 -“Асосий воситаларни харид қилиш” счёти-83 305 605,9 сўм;

Кт - 6411 -“Бошқа мажбуриятлар” счёти - 83 305 605,9 сўм.

5. Сертификатлаш, лаборатория, экскаваторни сақлаш жойига бориш хизматлари суммасига 1 339 640 сўм:

Дт - 0820 – “Асосий воситаларни харид қилиш” счёти-1 339 640 сўм ;

Кт - 6010 -“Мол етказиб берувчилар ва пурратчиларга тўланадиган счёtlar” счёти-1 339 640 сўм.

Юқорида берилган бухгалтерия ёзувларига асосан импорт қилинган асосий воситанинг бошланғич қиймати тўғри ҳисобланади ва унинг кирим қилиниши:

Дт- 0130- “Машина ва асбоб-ускуналар” счёти;

Кт – 0820 -“Асосий воситаларни харид қилиш” счёtlari иштироқида бухгалтерия ёзуви билан асосий восита балансга кирим қилинади.

Биз томонимиздан таклиф этилаётган методика асосида кўчмас мулк обьектларининг бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш уларнинг бошланғич қийматини тўғри ҳисоблаш имкониятини яратади.

### **Хулоса ва таклифлар.**

Жаҳон интеграциясига қўшилиш мақсадида молиявий ҳисботнинг ҳалқаро стандартларини иқтисодиётимиз амалиётида кенгроқ жорий этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Меъёрий ҳужжатларда мол-мулк солиғи обьектини тўғри аниқлаш мақсадида кўчмас мулкнинг таркибини аниқ кўрсатишни таклиф қиласиз. Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексида кўчмас мулкнинг таркиби берилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

“Бухгалтерия баланси” 1- шаклда ҳам асосий воситалар турларини МҲҲС асосида тузиладиган “ Молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот” даги каби алоҳида сатрларда кўрсатилишини таклиф қиласиз. Бу эса бухгалтерларга кўчмас мулк бўйича мол мулк солиғини тўғри ҳисоблаш ва солиқ органларига эса мол мулк солиғини назорат қилишни осонлаштиради.

Ҳалқаро амалиётда кўчмас мулкни бухгалтерия ҳисобининг обьекти сифатида ҳисобга олишда бир нечта МҲҲСлариндан жумладан, МҲҲС (IAS) 16 “Мулк (ер), бино, машина ва асбоб-ускуналар”, МҲҲС (IAS) “Товар-моддий захиралар”, МҲҲС (IAS) 40

“Инвестициявий кўчмас мулк” каби стандартлардан фойдаланинишини инобатга олган ҳолда солиққа тортиш ва бухгалтерия ҳисобида акс эттириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ва Давлат солиқ қумитаси биргаликда тартиб ишлаб чиқишни таклиф қиласиз.

### ***Адабиётлар / Литература/Reference:***

Golova E.E. (2014) Accounting for real estate in a commercial organization // Scientific and methodological electronic journal "Concept". - T. 26. - S. 16–20.

Голова Е. Е. (2014) Бухгалтерский учет объектов недвижимости в коммерческой организации // Научно-методический электронный журнал «Концепт». – Т. 26. – С. 16–20.

Дружиловская Э.С. (2014) Проблемы применения справедливой стоимости в российском и международном бухгалтерском учёте//Международный бухгалтерский учет, № 17.

Коновалова А.Н. (2017) Оценка объектов недвижимости: теоретические и практические аспекты / Под ред. А.Н. Коновалова. – М.: ИНФРА-М, – 356 с.

Кюрджеев С.П. (2020) Зарубежный опыт реализации амортизационной политики организаций. <https://cyberleninka.ru/article/n/zarubezhnyy-opyt-realizatsii-amortizatsionnoy-politiki-organizatsiy.28.08.2020>.

Лихоманов О.В., Куканова Н.Е., Куканова М.С. (2017) Российская и зарубежная практика оценки муниципальной недвижимости. Вестник Волгоградского государственного университета. Серия 3. Экономика. Экология. №2 (39).

MXXC (2024) MXXC (IAS) 16 “Асосий воситалар”, MXXC (IAS) “Товар-моддий захиралар”, MXXC (IAS) 40 “Инвестициявий кўчмас мулк”. Стандарты и поправки, вступающие в силу с 1 января 2018 года. <https://www.princip.com.ua/read/obnovlenie-msfo-2019--osnovnye-izmeneniya--o-kotoryh-vam-sleduet-znat>. 19.01.2024.

Назаров А.К. (2022) Кўчмас мулк объектларининг бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортишини такомиллаштириш: назария ва амалиёт.Монография. –Т.: “Fan ziyozi”. 186 бет.

Ташназаров С.Н. (2019) Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари.Дарслик. “IQTISOD-MOLIYA”. Тошкент, 2019. 342- бет.

Тепман Л.Н. (2016) Оценка недвижимости. – М.: ЮНИТИ, – 465 с.